

НАВОИЙ ДАВЛАВТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

3-курс талабаси

Сапаров Элдорнинг

Энг янги тарих тарих фанидан бажарган

РЕФЕРАТ

Мавзу: 1918-1945 йилларда Италия

Бажарди:

Э.Сапаров

Текширди:

Ф.Ширинова

Навоий 2012

Р Е Ж А :

1. *Хукмрон лагердаги сиёсий ахвол*
2. *Муссолини диктатурасининг урнатилиши*
3. *Жахон иктисодий инкирози йилларида Италия*
4. *II-жахон уруши арафасида Италия*
5. *Италияда II-жахон урушининг якунлари*

АДАБИЁТЛАР

1. *Розанов А.М. «Новая и новейшая история стран Азии и Африки» М. 1987. Стр.103*
2. *Юрьев М.Ф. «Новейшая история» М. 1984. Стр.47*
3. *Нуриддинов З.Д. «Энг янги тарих» Тошкент 1963. Бет 7-37*
4. *Хидоятов Г.А. «Жахон мамлакатлари энг янги тарихи II жахон урушидан хозирги давргача» Тошкент 1999. Бетлар 103-140*
5. *Всемирная история 12-томах, 9-том.*
6. *Чернышева О.Е. «проблемы новейшей истории» М. «Наука» 1988. Стр.43*
7. *Журнал новейшей истории до наших времен. М.1984. МГУ.*
8. *Хидоятов А.Г. «Энг янги тарих» Тошкент «Укитувчи» 1999. 143-бет*
9. *Маусеенко А. «Великая победа» М. 1985.*
10. *«История вторая мировая война» М. 1989.*

1. Италияда буржуазиянинг маълум сиёсий программага ва аник ташкилий структурага эга булган бирорта хам сиёсий партияси йук эди. Парламент сайлови муносабати билан ва парламентда иш олиб

бoрyвчи гpyппaлар (либepaллap, peспyбликaчилap вa бoшкaлap) cиёcий пapтиялap дeб юpитилap эди. Пapлaмeнтдa энг ycтyн гpyппa - либepaллap пapтияcи бyлиб, yндa yнг вa cул гpyппaлap бop эди. Бy гpyппaлap yртacидa ички вa тaшки cиёcaт мacлaлapиdа низoлap мaвжyд эди. Унглap (Cлaндpа вa бoшкaлap) yзлapининг peакциoнлиги билaн, cуллap (Нитти, Жoлитти вa бoшкaлap) эcа хaлккa бир oз ён бepиб, эпчил cиёcaт юpитиш пoзицияcи билaн хaрaктерлaнди. Бoш министp Opлaндo cул лeбepaллapгa якин, лeкин peакциoн мeтoдлapгa хaм мoйил эди. Унг вa cул либepaллap yртacидaги кyрaш хyкмpoн дoиpалap пoзицияcини вa нaйрaнглap йyли билaн peвoлюциoн хaрaкaтни бocтиришгa yринди. Нитти хyкyмaти 8 coaтлик иш кyни тyгpисидa кoнyн чикaрди. БИp кaнчa рaйoнлapдa нapх-нaвo кicмaн пacайтирилди, cиёcий мaхбyслapгa aмниcтия эълoн килинди, хaттo epлapнинг дeхoнлap тoмoнидaн эгaллaнгaнлиги хaм тaн oлинди. Ишicизликни кaмaйтириш yчyн ижтимоий ишлap тaшкил килинди. Итaльян кyшинлapини Poccиядaн чикaриб oлиш тyгpисидa кapop чикaрилди.

Лeкин Нитти хyкyмaти ички cиёcaтининг aнтидeкмoкpaтик хycyсияти вa aгрeccив тaшки cиёcaтининг aнтисoвeт хaрaктepи yзгapмaй кoлaвepди. Кaбyл килингaн кoнyнлapнинг кyп кicми aмaлгa oширилмaди. Хaлк oммacининг aхвoли eнгилaшмaли; тyрмyш дapaжacи yрушдaн oлдинги дaвpдaгигa кapaгaндa 4 мaтa пacайиб кeтди.

Нитти хyкyмaти интepвeнтлap вa oк гвapдиячилapни кypoл-яpoг билaн тaъминлaб тyрди, итaльян yшинлapини Poccиядaн чaкириб oилини тeзлaштирмaди; бyнинг ycтигa, yз apмияcини янa Зaкaвкaзъeгa yбopиш yчyн тaйёрлaнди; Coвeт Poccияcигa кapиш yруш

учун француз кушинларининг Польша ва Рушинияга юборилишига ёрдам берди.

Италия империализмининг агрессив харакатлар доираси кенгая борди. Италия империалистлари 1919 йилги Париж сулҳ конференциясидан норози булди, чунки территориялар масаласида Антанта 1915 йилги Лондон шартномасига биноан берган ваъдаларини бажармаган эди. 1919 йил майидаёк Италия Туркиянинг жануби-гарбий кисмини ва биринчи галда Смирна (Измир)ни босиб олиш максадига Туркиянинг Гарбий киргокларига кушин туширди. Бу эса Италиянинг халқаро позициясига янада салбий таъсир этди. Смирна масаласида Италия ва Греция уртасида низо пайдо булди. Италия муваффақиятсизликка учради. 1919 йил сентябрида Антанта билан Австрия уртасида имзоланган Сен-Жермен шартномасига мувофиқ, Италия факат Терентино ва Жанубий Тиролни олди.

Албанияни бошқариш мандатига эга булди. Албаниянинг Влора (Валон) портидан Саранда портигача булган денгиз киргок районларини италянлар оккупация килиб турдилар. Лекин ваъда килинган бир канча жанубий славян ерлари, масалан, Далмация, Туркия Смирнаси (Измир) Италияга берилмади.

Италия империалистлари агрессив сиёсатни давом эттирдилар. Улар Адриатик денгиз бўйларида хукмрон бўлиб олиш ва албан халқининг оккупантларга қарши қурашини бостириш учун Албанияга қарши қурашини бостириш учун Албанияга қарши харби й авантюрани планлаштирдилар; арабларга қарши Триполитанияга кушин юборишга тайёрландилар.

Хукмрон доираларнинг реакцион, демагогик ички ва агрессив ташки сиёсати, моддий ахволнинг ёмонлашиб бориши натижасида

Италияда ишчи ва дехконларнинг революцион ҳаракатлари тобора кучайди. 1919 йил июлида бутун мамлакатда Совет Россиясини химоя қилишга қаратилган икки кунлик умумий сиёсий иш ташлаш утказилди. Италия ишчилари оккупацион қушинларнинг Албаниядан эвакуация қилинишини ҳам талаб қилдилар. Ҳукумат Закавказьега қушин юборишдан воз кечди. Антисовет интервенция ва бошқа агрессив урушлар барбод бўлди. Италиян агрессорлари Албанияни бошқариш мандатидан воз кечишга ва у ердан чиқиб кетишга ажбур бўлдилар. 1920 йил августда Италия Албаниянинг мустақиллигини расмий суратла таниди, факат ҳарбий-денгиз базасини қуриш мақсадида Сазани (Сасено) оролини ун йил муддат билан ижарага олди.

1919 йилда Коммунистик Интернационалнинг таъкил топиши Италия ишчилар ҳаракатида ҳам ижобий таъсир қурсатди. Меҳнатқашлар орасида социалистик гоълар тобора кенг ёйилди. Улар социалистик партияга яқинлаша борди. Социалистик партия аъзоларининг сони 1913 йилда 45 минг киши бўлса, 1920 йилда 216 минг кишига етди.

Социалистик партиянинг 1919 йил октябрида Болоньяда бўлиб утган съездида жиддий сиёсий мунозалардан сунг янги программа қабул қилинди, бунда пролетариат диктатураси урнатиш зарурлиги эътироф қилинди. Съезд II Интернационалдан чиқиб ва Коммунистик Интернационал составига кириш тугрисида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан Социалистик партиянинг меҳнатқашларга таъсири тобора кучайди. 1919 йил ноябридаги парламент сайловларида бу таъсир яққол намоён бўлган эди. Италия Социалистик партияси овоз ва мандатларнинг сони жиҳатидан (156 мандат, яъни 30 процент)

биринчи уринни эгаллади. Либералларнинг мандатлари камайди. Муссолиничиларнинг бирорта номзоди ҳам парламентга сайланмади.

Уруш йилларида сул социалистлар (Антонио Грамши ва бошқалар) ташиббуси билан тузилган фабрика - завод комиссиялари базасида Туринда фабрика-завод Советлари ташкил килинди. Бу советлар пролетариат давлат ҳокимият органларининг куртаги эди ҳамда корхоналарда ишчи контроли урнатиш ва хатто курашга раҳбарлик қилиш органи бўлиб қола бошлади. Бу эса пролетариат гегемонлигини урнатиш йулидаги жиддий бир уриниш бўлди. Бирок бундай Советлар реформист социалистларнинг айби билан кенгайиб кетолмади.

1920 йилги революцион юксалиш натижасида Нитти ҳукумати июнь ойида истеъфо беришга мажбур бўлди. Либерал доираларнинг лидери Жолитти бошчилигида коалицион ҳукумат тузилди. Жолитти ҳукуматининг озик-овқат молларининг нархларини 50 % камайтириш каби тадбирлар орқали революцион курашни пасайтириш йулидаги уринишлари натижа бермади. Капиталистлар ишчиларга қарши иктисодий хужумни давом эттирдилар.

2. 1920 йил ёзи ва кузидаги революцион юксалиш Италия йирик буржуазияси ва помещикларини ваҳимага туширди. 1920 йил кузидан бошлаб фашизм тез ривожланди. Фашистлар социал ва миллий демоғогияни кенг ишга солиб, қолок қишиларни, турли авантюристлар ва жиноятчиларни, офицерлар ва реакцион студентларни уз томонига тобора қупрок тортди.

Фашистик террорга қарши ишчилар синфи ва демократик элементлар биргаликда ҳаракат қилдилар. 1921 йил баҳорида коммунистлар етакчилигида ишчилар «Халқ жасурлари» номида

жанговар халк дружиналари тузиб, фашизмга каттик қаршилик курсатдилар. 1921 йил майида парламент сайловларида ишчи партиялари энг кўп овоз ва мандатларга (Социалистик партия 123 та, Коммунистик партия 15 та мандатга) эга бўлдилар. Католик «Халк партияси» 107 мандат олиб, иккинчи уринни, фашистлар эса 33 мандат олиб сунгги уринлардан бирини эгалладилар.

Ишчилар синфи қўйи ташкилотларининг ва коммунистларнинг талаби билан «Мехнат союзи» 1922 йил 1 августда фашизмга қарши умумий сиёсий иш ташлаш утказди. Бу оммавий ҳаракатда коммунистлар катта роль ўйнадилар. Бирок реформистлар ва оппортунистлар 1 август ҳаракатнинг барбод бўлишига сабабчи бўлдилар. «Мехнат союзи» нинг лидерлари фашистларнинг кескин талаблари олдида таслим бўлиб, иш ташлашни тухташи тугрисида фармойиш бердилар.

1922 йил 1 август иш ташлаши фашизм йўлини тусишга қаратилган сунгги уриниш эди. Унинг барбод қилиниши натижасида фашистларнинг ҳокимият тепасига қелиши учун кенг йўл очилди.

Фашистлар йирик монополияларнинг қўллаб-қувватлашидан, буржуа ҳукуматларининг кенг йўл бериб қўйиши ва социалист реформистларнинг мурасачилигидан фойдаландилар. 1922 йил кузига қелиб улар кўп жойларда ишчиларнинг коммунистлар етакчилигида уюштирилган қаршиликларини, мудоффа қўрашларини енгиб, Болонья ва Миландаги муниципалитетларни босиб олдилар; бир неча вилоят (Тоскана, Ломбардия) бошқарма органларини эгалладилар.

1922 йил 27-28 октябрда ффашист отрядлари «Римга юриш» қилдилар. Ҳукумат қўшинлари ва полиция уларга ҳеч қандай қаршилик курсатмади. Йирик саноат эгалари конфедерацияси қороль Виктор

Эммануил III га мурожаат килиб, Муссолини бошчилигида янги ҳукумат тузилишини талаб этди. 28 октябрда король Муссолинини ҳукуматнинг бош министри килиб тайинлади. Муссолини 30 октябрда фашистик партиянинг 4 та, либерал, католик ва монархистларнинг 10 вакилидан коалицион ҳукумат тузди. Фашистлар ҳукуматда асосий лавозимларни эгаллаб олдилар.

1923-1924 йилларда Италия саноат ишлаб чиқариши бир мунча жонланди. Харбий саноат тармоқларига кўпроқ аҳамият берилди. Италия фашизми чет эл империалистларига, аввало АКШ монополистларига таянди. Банкир Морган ҳонадони 1924 йили Муссолини ҳукуматига 100 миллион доллар миқдорида зўён берди. Америка империалистлари Италия акцияли жамиятларига қарийб 200 миллион доллар маблағ қўйди. Баъзи муниципалитетлар Америка монополияларидан 20-30 миллион долларлаб маблағ олдилар.

Лекин экономика жуда беқарор эди. Ишсизлик ва милитаристик сиёсат туфайли норозилик ва синфий кураш, майда буржуа доираларида оппозициячилик кучайиб борди. Бу Италия фашизми заифлигининг муҳим бир аломати эди. Фашизмга қарши оппозициянинг асосий ядроси ишчилар синфи, Коммунистик партия эди. Лекин Компартия жиддий кийинчиликка учради. Бир томондан, фашистик ҳукуматнинг шафқатсиз жазо-таъкиб чоралари, иккинчи томондан, партия раҳбарлигидаги бордичилар «суллар»ва Анджело Таска бошчилигидаги унғ оппортунистлар партияга катта зўён етказдилар. Бунинг натижасида партиянинг омма билан алоқаси сусайиб кетди, партия аъзоларининг сони камайди (1924 йили 10-12 минг коммунист бор эди). Кийин шароитда партия икки фронтда: «суллар» ва унғларга қарши кураш олиб борди. Коминтери Ижроия Комитетининг

аралашуви, унинг III пленумининг (1923 йил, июль) ИКП нинг рахбарлик иштини қайта қуриш тугрисидаги курсатмалари асосида 1923-1924 йилларда Коммунистик партия рахбарлиги мустахкамланди ва уқилган конунларга биноан, ҳукумат бошлиги факат король олдидagina жавобгар, деб эълон килинди ва парламент розилигисиз конунларни қучга қиритиш ҳуқуқига эга бўлди. 1926 йил апрелида қасаба союзлари тугрисида утакетган реакцион конун чиқарилди, ҳамма қасаба союзлари таркатилди. Фашист синдикатлари (қасаба союзлари) гина ишчилар манфаатларини «ҳимоя қилиш» ҳуқуқига эга бўлдилар.

1928 йили яна бир қанча конунлар қабул қилиниб, амалда парламентчилик режими тугатилди. Парламент батамом ўз аҳамиятини йўқотди. «Буюк фашистик совет» фашистик партия ва давлатнинг олий органи деб эълон килинди. Парламент сайловларида факат фашистик партиянинг номзодлари овозга қўйиладиган бўлди.

1929 йил феввалида Муссолини Ватикан билан битим (Литеран аҳдномаси ва қонқардат) тўзди. Ватикан билан қороллик ўртасидаги эски низолар бартараф қилинди. Ватикан тула суверен давлат ҳуқуқига эга бўлди. Актив реакцион қуч Ватикан халқни қалғитиш йўли билан фашизмга қатта ёрдам қўрсатди. Шундай қилиб, Италияда тоталитар (чекланмаган) фашистик диктатура режими ўрнатилди.

Фашистик диктатура паноҳида буржуазия ишчилар синфини эксплуатация қилишни қучайтирди. 1922-1927 йилларда ишчиларнинг реал иш ҳақи 26 % қамайди. Мамлакатнинг умумий иқтисодий аҳволи оғир бўлгани қолда, саноатнинг айрим тармоқлари қет эл қапители ва эксплуатациянинг қучайтирилиши ҳисобига аста-секин ривожланиб қорди ва 1927 йилдан бошлаб саноатда янги қонланиш юз қерди. Италия экономикаси иқтисодий қризисдан қикиб, қисман стабиллашув

даврига кирди. 1928-1929 йилларда саноат масулоти урушдан олдинги даражадан утди. Лекин экономиканинг усиши бир ёклама эди; купрок харбий саноат тармоклари ривожланди.

Италия фашизми ички террористик сиёсат билан бирга агрессив, авантюристик ташики сиёсат юритди. йИрик буржуазия ва помещиклар манфаатини куллаб «Улуг Рим империяси» тузиши плани ишлаб чикилди. Бу планга мувофик, Болкон, Тунис, Миср, Англия-Миср Судани, Балеар ороллари ва Корсикани босиб олиши мулжалланди. Урта денгизни Италиянинг ички денгизига айлантириши кузда тутилди. Италия фашистлари Якин Шаркда хам хукмрон булиб олишини хаёл килдилар.

3. 1929 йилда Италия иктисодий кризисга дучор булди. Кризис йилларида саноат махсулоти 33 % ташики савдо 3 марта кискариди. Мехнаткашларнинг турмуш даражаси янада пасайиб кетди. Иш хаки кескин суратда камайди. Ишсизлар сони 200 минг кишидан 1 миллион кишига етди. Соликлар купайди. Куп минглаб майда ва урта корхона эгалари, хунармандлар хонавайрон булди. 1929-1934 йиллар мобайнида нон канд каби озик-овкат махсулотларини истеъмол килиши 25 % камайди. Саноат кризиси кишлок хужалик кризиси билан кушилиб кетди. Кишлок хужалик махсулотларининг нархлари пасайиб, дехконларнинг даромади камайиб кетди ва соликларни тулай олмай, ер ва мулкларидан махрум булди. Ер мулки ва саноат корхоналари концентрацияси кучайди. Йирик монополиялар хонавайрон булган дехконларнинг ерлари, майда ва урта буржуазиянинг корхоналари хисобига янада бойиб кетдилар. Саноатда давлат-монополистик тенденциялари авж олди.

Монополистик капитални кризисдан куткариш мақсадида ҳукумат бир катор молия-саноат органларини, масалан, 1931 йилда саноатни реконструкция қилиш тартиботи (ИРИ) ни таъкил қилди. Бу орқали саноат эгаларига молиявий ёрдам берилди, монополистларнинг акциялари сотиб олинди. Давлат юзлаб йирик корхоналарининг хужайинига, энг йирик акционерга айланди. Харбий саноат тармоклари ривожланди. ИРИ саноатдаги давлат – монополистик секторининг раҳбар органи бўлиб қолди, натижада бир гуруҳ энг йирик монополистлар давлат ва унинг органлари орқали бутун давлат монополистик корхоналарини уз назорати остига олди.

Фашистик ҳукумат халқ оммасини революцион-демократик курашдан қалғитиш, ишчи ва меҳнатқашларнинг жипслашувига йул қўймаслик, буржуазия позициясини мустаҳкамлаш, экономикани бутунлай молия капиталига бўйсундириш мақсадида 1933-1934 йилларда «корпоратив система» тузди. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини қамраб оладиган 22 та корпорация тузилди. Корпорациялар составига фашистик қасаба союзлари («синдикатлар») дан ҳам вакиллар қиритилди. Фашистик матбуот, корпоратив тузум шароитда гуё меҳнат билан капитал уртасидаги низолар синфий ҳамкорлик асосида халқ қилинмоқда деб, гуё ишчилар ишлаб чиқаришни ва давлатни бошқаришда иштирок этмоқдалар, деб демагогик жар қолди. Корпорациялар Муссолини бошчилигидаги махсус корпорациялар министрлигига бўйсундирилди. Корпорацияларда йирик капитал эгалари раҳбарлик ролини ўйнади. Корпорациялар давлат-монополистик капитализми системасининг муҳим бўғинига айланди. Бу эса йирик монополияларнинг бутун мамлакат экономикасини назорат қилиб туришини енгиллаштирди.

Корпорация системаси парламентчилик колдикларини тугатиши ва милитаризмни кучайтиришига имкон берди. Турли фашистик ташикилотлар кучайтиришига имкон берди. Мамлакат экономикаси империалистик агрессияга тайёрланди. Куролли кучлар қупайтирилди. Кризисдан сунг депрессия бошланди. Қуп утмай экономикада милитаризм ҳисобига жонланиши юз берди.

Иқтисодий кризис ва фашистик ҳукуматнинг монополиялар манфаатлари йулидаги сиёсати кенг халқ оммасининг турмуш шароитини янада ёмонлаштириб юборди. Натижада 1929-1930 йилларда мамлакатда революцион ҳаракат яна ҳам юксалди. Террор ва жазо – таъкиб чораларига қарамай, йирик шаҳарларда иш ташилаш ва намойишлар, кишлоқларда галаёнлар бошланди. 1932 йилнинг биринчи ярмидаёқ 80 марта оммавий революцион чиқиш бўлиб, бунда 100 минг ишчи ва дехқон иштирок этди. Дехқонлар қарздорлар учун ерларнинг сотилишига қаршилик қурсатдилар ва солиқларни тулашдан бош тортдилар. 1934 йили Ақуила вилоятида дехқонлар қузғолони бўлиб утди. Шаҳар ва кишлоқларда полиция билан бир неча марта қонли тўқнашувлар юз берди. Шундай қилиб, революцион ва демократик ҳаракатлар ривожланди, фашизмга қарши қураш қучайди.

Фашистлар қувгинидан чет элларга кетган революционер ва демократлар фашизмга қарши қурашни давом эттирдилар ва янада қучайтирдилар. 1929 йили Францияда италян эмигрантларининг баъзи буржуа ва майда буржуа группалари орасида («Адолат ва озодлик») номида янги прогрессив антифашистик ҳаракат вужудга келди. Коммунистлар бу ҳаракат иштирокчилари билан ҳамкорлик қилдилар.

Партия дехконлар орасида ишлашга катта эътибор берди. Партия унги оппортунистларга ва бордигачиларга қарши кескин кураш олиб борди.

Компартия фашизмга қарши барча прогрессив кучларни уюштириб антифашист халқ фронти тузи учун курашни кучайтирди ва антифашистларни активлаштирди. 1934 йил 17 августда Партижда Компартия Италия Социалистик партияси билан фашизмга қарши биргаликда ҳаракат қилиш тугрисида битим тузилишига эришди. Бу битим Италия Қаршилиқ курсатиш ҳаракатига катта ёрдам берди.

4. 1929-1933 йиллардаги иқтисодий кризис ва ички аҳволнинг ёмонлашуви Италия фашизмнинг таъжовузкорлигини янада кучайтирди. Италия фашизми ички қийинчиликларни бартараф қилиш ва ўз позициясини мустаҳкамлаш учун, халқларни янада қупрок талаш ва максимал фойдалар олиш учун милитаризмга ва ҳарбий авантюристлик сиёсатга катта эътибор берди. 1936-1937 йилларда чет элдан олинган заёмлар ҳисобига ҳарбий харажатлар давлат бюджетининг 53,7 % ини ташкил қилди. Фашистлар ҳарбий саноат тармоқларини зур бериб ривожлантирдилар. Муссолини ҳукумати уруш даврида мамлакатни ҳом ашё ва озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида «автаркия» сиёсатини, яъни ўз хужалигини чет эллардан ҳеч нарса олмайдиган қилишга, ўз экономикасининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатни қўлланди. Бу соҳада қуп куч ва маблағ сарфланди. Қуролли кучларнинг ҳамма турлари кучайтирилди. Ҳарбий – иқтисодий конъюнктура таъсирида Италия 1937 йили иқтисодий кризисга учрамади. 1937 йилда Италиянинг саноат маҳсулоти 1929 йилдагига нисбатан 99,6 %

ни ташиқил қилди. Лекин 1938 ва 1939 йилларда ҳам 1920 йилги даражадан узиб кета олмади. Экономикада диспропорциясизлик кучайиб кетди. «Монтекатини» химия трести, «Фиат» автомобиль треси, «Бред» машинасозлик трести сингари монополистик бирлашмалар кучайди ва уларнинг акцияли капитали 2 барабар купайди.

1937 ймо августда Компартия билан Социалистик партия уртасида фашизмга ва урушга қарши биргаликда кураш олиб бориш тугрисида янги битим тузилди. Бу битимда ишчилар синфининг Италияда фашизмни ағдариб, янги типдаги антифашист демократик республика барпо қилиш учун курашининг конкрет программаси баён қилинди. Мазкур битимда, айниқса Компартия Марказий Комитетининг 1938 йил 1 декабрдаги қарорида янги типдаги демократик республика формуласининг ахамияти тушунтириб берилди.

1938 йили 45 марта иш ташилаш, 1939 йил Милан, Турин, Генуя, Венеция ва бошқа жойларда куп марта антифашист намоёнчиликлар бўлиб ўтди. Ишчилар иш ҳақининг қисман оширилишига эришдилар.

Лекин италян антифашистлари катта ютуқларни қўлга қирита олмадилар, чунки демократик кучларнинг ташиқилий базаси заиф эди. Муссолини ҳукумати антифашистларга, айниқса коммунистларга қарши тобора авж олдирилаётган жазо-таъқиб чоралари билан курашади, ёш авлоднинг купгина қисмини фашизм таъсиридан қутқаролмади, дехқонлар орасида ишлашга етарли эътибор бермади. Шу сабабдан Компартия мустахкам яширин

ташкилот туза олмади ва фашизмга қарши ҳаракат кескин тус олиб кетмади.

Аммо фашизмга қарши кураш тухтамади. Фашизм рефолуцион демократик кучларнинг озодлик учун кураш иродасини бука олмади. коммунистлар, ишчилар фашизмга қарши курашда усиб, чиникиб бордилар.

Мамлакатнинг иктисодий ахволи тобора ёмонлашди. Милитаризм ва тажовузкорликда бойиётган бир ховуч монополистик магнатлар билан тобора каттик ва шафкатсиз эксплуатацияга дучор бўлаётган меҳнаткашлар оммаси уртасида зиддият кескинлаша борди. Аҳолининг илгари фашизмни куллаб-қувватлаган бир қатор гуруҳларининг (бадавлат дехконларнинг, уқувчи ёшлар ва интеллигенциянинг бир қисмининг) фашизмдан ихлоси қайтиб, уларнинг фашизмдан узоклашуви бошланди. Фашизмнинг социал базаси янада торайди, фашистик режимнинг чуқур кризиси етилди. Кейинги йилларда фашизмга қарши миллий озодлик кураши кучайди ва фашистик режим кризиси тула ва жиддий сурагда авж олиб кетди.

5. Биринчи жаҳон уруши натижасида, Октябрь революциясининг таъсири остида Италияда революцион-демократик ҳаракат юксалди. Буржуа-помешчиклар ҳукуматининг реакцион ички ва агрессив ташки сиёсати барча меҳнаткашларнинг норозилигини кучайтирди. 1918-1920 йилларда революцион вазият етилди. Кенг меҳнаткашлар оммаси иктисодий ва сиёсий талаблар қуйди, антисовет интервенция сиёсатиға қарши чикди. Оммавий революцион жанглар юз берди. Ишчилар фабрика ва заводларни, дехконлар помещиклар ерларини эгаллай бошладилар. Бу революцион юксалишининг ёркин ифодаси бўлди. Италия империализм

занжирининг заиф халкаларидан бири булиб колди. Халк оммаси хукмрон доираларни кisman ён беришга мажбур этиб, айрим ютукларни кулга киритди. Лекин уша йилларда Италия ишчи ва дехконлари туб социал ва иктисодий узгаришлар килишга эриша олмадилар, уларнинг революцион чикишлари маглубиятга учради.

1921 йилда Коммунистик партия ташикил топди, у идеологик кураш ва террор шароитда усиб ва чиникиб борди. Кескин кураш давомида оппортунистик, реформистик ва центрискин кураш давомида оппортунистик, реформистик ва центристик хом хаёлларга каттик зарба берилди.

Италия буржуазияси заиф булганидан буржуа-демократик тартибларни йук килишга, мамлакатни террорлик режими урнатиш йули билан бошқаришга уринди ҳамда хокимиятни урнатиш йули билан бошқаришга уринди ҳамда хокимиятни монополистик ва молия капиталининг энг реакцион, энг шовинистик кучи булган фашистларга топишди. Муссолини бошчилигида фашистларнинг тоталитар диктатураси урнатилди.

Фашистик диктатура урнатилиши ишчилар синфининг хам хали заиф эканлигини курсатди. Компартиядаги оппортунизм антифашист курашга жиддий зиён етказди. Социалистик партиянинг реформист лидерлари ва касаба союзлари бирлашмасининг оптуртунистлари Компартиянинг фашизмга карши кенг микёсда сиёсий кураш уюштириш тугрисидаги таклифларини куллаб-кувватламадилар.

Италия фашизми реакцион, террористик ички сиёсат юритди. Фашизм ишчилар ва барча меҳнаткашларнинг куп йиллар давомида кулга киритган айтирм ютукларини бекор килди ва уларни эришган хукукларидан махрум килди, буржуа-демократик эркинликларнинг

колдикларини тугатди. Фашистик партиядан бошқа ҳамма сиёсий партиялар таркатилди. Жазо-таъкиб ва террор сиёсати авж олдирилди. Махсус фашистик трибуналлар жорий килинди. Фашистлар зур методларидан ташиқари, социал-сиёсий ва миллий демагогиядан ҳам кенг суратда фойдаландилар, ашаддий шовинизмни тарғиб қилдилар. Лекин фашистлар режими барқарор бўлмади.

Италия фашизми авантюристик, атнисовет, агрессив ташиқари сиёсат юритди. У «Улуғ Рим империяси» ни тузишга зур бериб интилдди. Иқтисодий кризис йилларида Муссолини ҳукумати тажовузкашлиқ урушларига зур бериб тайёргарлик қурди. Фашистик Италия билан бошқа империалистик давлатлар уртасида зиддиятлар кескинлаша борди. 1935-1936 йилларда Италия Хабашистон (Эфиопия) ни босиб олди. Италия фашистик ҳукумати Германия фашизми ва Япония милитаризми билан иттифок бўлиб олди.

1936-1939 йилларда Гитлер Германияси билан бирга эрксевар испан халқига қарши интервенциячилик, таловчилик урушини олиб борди. Фашистик Италия уз иттифокчилари билан бирга Совет Иттифоқи ва коммунизмга қарши қураш ширлари билан никобланиб ҳамда Англия, Франция ва АКШ нинг «аралашмаслик» сиёсатидан фойдаланиб, янги жаҳон урушини тайёрлашда қатнашди.